

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки томонидан  
2022 йил "11" август  
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Рўйхат рақами 79 -сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Раисининг биринчи ўринбосари  
Б.Э. Захидов



**“ASIA ALLIANCE BANK”**  
**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ**  
**УСТАВИ**  
**(янги таҳрирда)**

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ  
Акциядорлар умумий йиғилишининг  
2022 йил 11 июлдаги  
АС-1/2022-сонли  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ  
Кузатув кенгаши Раиси  
С.Х. Бекенов



Тошкент - 2022 йил

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Бундан буён матнда “Банк” деб аталувчи «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки акциядорлик жамияти шаклида фаолият кўрсатувчи кредит ташкилоти ҳисобланади.

2. Банк 2008 йил 25 декабрдаги банк таъсисчиларининг йиғилиш қарорига асосан ташкил этилган (2008 йил 25 декабрдаги 1/2008-сонли йиғилиш баённомаси).

3. Мазкур устав Банкнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади.

## II. БАНКНИНГ ФИРМА НОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЕРИ, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ВЕБ-САЙТИ

4. Банкнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи (лотин алифбосида):

«ASIA ALLIANCE BANK» aksiyadorlik tijorat banki;

Банкнинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи (лотин алифбосида):

«ASIA ALLIANCE BANK» ATB;

Банкнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи (кирилл алифбосида):

«ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки;

Банкнинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи (кирилл алифбосида):

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ;

Банкнинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:

Акционерно-коммерческий банк «ASIA ALLIANCE BANK»;

Банкнинг рус тилидаги қисқартирилган фирма номи:

АКБ «ASIA ALLIANCE BANK»;

Банкнинг инглиз тилидаги тўлиқ фирма номи:

The Joint-Stock Commercial Bank «ASIA ALLIANCE BANK»;

Банкнинг инглиз тилидаги қисқартирилган фирма номи:

JSCB «ASIA ALLIANCE BANK».

5. Банкнинг жойлашган ери ва почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 2А уй, почта индекси: 100047.

6. Банкнинг электрон почта манзили: [info@aab.uz](mailto:info@aab.uz).

7. Банкнинг расмий веб-сайти: [www.aab.uz](http://www.aab.uz).

## III. БАНКНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАВҚЕИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

8. Банк юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

9. Банк Марказий банкда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.



10. Банк Ўзбекистон Республикаси ягона банк тизимига киради ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига, бошқа Қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига, қарорларига ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, бошқа қонун ҳужжатларга, шунингдек мазкур уставга амал қилади.

11. Банк фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилган.

12. Банк ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

13. Банк ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига ҳамда хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга.

14. Банк ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

15. Акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

16. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

17. Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

18. Банк давлатнинг мажбуриятлари бўйича, давлат эса Банкнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, Банкнинг ёки давлатнинг ўзи бундай мажбуриятларни зиммасига олиш ҳоллари мустасно.

19. Банк молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

20. Банк барча акциядорларга уларга тегишли улуш миқдори, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва жамиятдаги ўрnidан қатъи назар тенг муносабатни таъминлайди.

#### **IV. БАНКНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ, ШЎЪБА ВА ТОБЕ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ**

21. Банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунчиликда белгиланган тартибда филиаллар ташкил этиш, ваколатхоналар ҳамда бошқа алоҳида бўлинмалар очишга ҳақли.

22. Қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда Банк Марказий банкнинг рухсати билан чет элларда ўз филиаллари ва ваколатхоналарини очиши мумкин.

23. Банкнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс бўлмайди. Улар Банкнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади.

Банкнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки Банкнинг балансида ҳисобга олинади.

24. Банк томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

25. Филиаллар Банк номидан судда қатнашиши мумкин.

26. Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик Банк зиммасида бўлади.

27. Банк (филиал) жойлашган ердан ташқарида Банкнинг (филиалнинг) ички тузилмавий бўлинмаларини очиши мумкин.

28. Банк акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига ҳамда банкнинг кафолати остида қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш мақсадида хорижда ташкил этиладиган шўъба ташкилотларига эга бўлиши мумкин. Банк шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига инвестицияларни қонунчилик ҳужжатлари талабларидаги чекловларни инobatга олган ҳолда амалга оширади.

## **V. БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ**

29. Банкнинг асосий мақсади молиявий операцияларни амалга оширишда даромад олиш.

30. Молиявий операциялар Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида амалга оширилади.

Банк банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияда кўрсатилмаган молиявий операцияларни амалга оширишга ҳақли эмас.

31. Банк қуйидаги молиявий операцияларини амалга ошириши мумкин:

пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш;

тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;

кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;

чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар;

жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;

инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;

учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;

учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш (факторинг);



қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;

аффинланган қимматбаҳо металллар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металлларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;

қимматбаҳо металллардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;

ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;

ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;

лизинг бериш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;

молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;

электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;

банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш;

банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга ошириш.

32. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

33. Ушбу уставнинг 32-бандида кўрсатилган чеклов қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди:

а) банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускунани ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага беришга;

б) ўз активларини сотишга;

в) чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатишга;

г) суғурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан суғурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширишга;

д) Банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкни мулкий ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага беришга.

34. Банк бошқа банкнинг акцияларини бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

35. Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида Банкнинг устав капиталидаги:

беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;

йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;

эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

36. Банк ўз фаолияти давомида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этади.

## **VI. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ**

37. Банкнинг устав капитали акциядорлар олган Банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланadi. Банк томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

38. Банкнинг устав капитали Банк мол-мулкининг Банк кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

39. Банкнинг устав капиталини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан, шунингдек мажбурият юклатилган бошқа маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

40. Банк устав капиталининг миқдори 186 776 423 000 (бир юз саксон олти миллиард етти юз етмиш олти миллион тўрт юз йигирма уч минг) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 250 (икки юз эллик) сўм бўлган 747 105 692 (етти юз қирқ етти миллион бир юз беш минг олти юз тўқсон икки) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акцияларга бўлинган.

## **VII. БАНК АКЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ТУРЛАРИ**

41. Банк томонидан 747 105 692 (етти юз қирқ етти миллион бир юз беш минг олти юз тўқсон икки) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акциялар жойлаштирилган.

42. Банк устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 250 сўм жами 400 000 000 000 (Тўрт юз миллиард) сўм бўлган эгасининг номи ёзилган 1 400 000 000 (Бир миллиард тўрт юз миллион) дона оддий ва 200 000 000 (Икки юз миллион) дона имтиёзли акциялардан иборат.

43. Банк акцияларининг номинал қиймати 250 (икки юз эллик) сўм.

## **VIII. БАНКНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ. БАНК ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

44. Банкнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

45. Қўшимча акциялар мазкур уставда белгиланган эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина Банк томонидан жойлаштирилиши мумкин.

46. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарор Банкнинг Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.



47. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

48. Банкнинг устав капиталини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда банк уставда кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

49. Банкнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Банкнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

50. Банкнинг устав капиталини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Банкнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

51. Банкнинг устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти уша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Банкнинг устав капитални кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Банкнинг устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

52. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг уюшган савдоларига чиқариш) нархи Банк Кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

53. Банк акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида, қимматли қоғозларнинг уюшган савдоларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштиришга ҳақли.

54. Банк томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорида мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

55. Банкнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул маблағлари ёки давлатнинг қимматли қоғозларидан ташкил топади, бундан қуйидаги ҳоллар мустасно:

- Банк акцияларини банкнинг кредиторлари орасида жойлаштириш ва Банкнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари бўйича ҳар қандай ҳуқуқларини (талабларини) ҳисобга олиш йўли билан уларнинг ҳақини тўлаш;

- қимматли қоғозларни Банк акцияларига айирбошлаш;

- Банкнинг жойлаштирилган бир турдаги акцияларини ушбу Банкнинг бошқа турдаги акцияларига алмаштириш.

Банкнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорида белгилаб қўйилади.



56. Банкнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

57. Банк томонидан Банкнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

58. Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Банк томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Бунда Банк томонидан имтиёзли акцияларни олиш уларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

59. Банк устав капиталини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Банклар устав капиталининг Банк уставидagi тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, қонунчиликда белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

60. Банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва Банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

61. Банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

62. Банк устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Банкдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав капитали камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

## **IX. БАНКНИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ**

63. Банк корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

64. Банкнинг корпоратив облигациялари Банк акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

65. Банк корпоратив облигациялар чиқаришни корпоратив облигациялар эмитентига қўйилган қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширади.

66. Банк томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Банк Кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

67. Банк томонидан Банк Кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Банк Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.



## Х. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

68. Акциядорлар:

Банк акциядорларининг реестрига киритилиш;

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

69. Оддий акция эгалари – акциядорлар ўз ваколатларига кирадиган барча масалалар бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали иштирок этиши ҳамда Банкнинг фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиши, Банк тугатилган тақдирда эса ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиши мумкин.

70. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, қонун ҳужжатлари ҳамда Банк уставига назарда тутилган ҳоллардан ташқари, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида Банк уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан, аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини олади.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб эга бўлади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш орқали иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

71. Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва мазкур уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

72. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

73. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

74. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

75. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномасиз/розиликсиз тузилган банк акцияларини олишга оид битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

76. Акциядор:

ўз ваколатли шахсининг ваколатлари тугатилганлиги ёки ўзгартирилганлиги тўғрисида унга инвестиция воситачиси хизматларини амалга оширилаётган юридик шахсга хабар қилишга;

ўз реквизи́тларидаги барча ўзгаришлар ҳақида унга инвестиция воситачиси хизматларини амалга оширилаётган юридик шахсни хабардор қилишга;

Банк билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Банкни хабардор этишга;

қонун ҳужжатларида белгиланган Банк томонидан хабардор қилиш мажбуриятини амалга ошириш учун Банк томонидан сўраб олинadиган ахборотни тақдим этиш;

Банк фаолияти ҳақидаги конфиденциал (махфий), шу жумладан Банк тижорат сири ҳисобланадиган маълумотларни ошкора қилмасликка;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган мазкур устав қоидаларига риоя қилишга мажбур.

77. Банк миноритар акциядори асоссиз ҳужжатларни талаб қилиш ва махфий ахборот, тижорат сирларидан фойдаланиш орқали Банк бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги керак.

78. Акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлар овоз беришда уларнинг биргаликдаги нуқтаи назарини шакллантириш учун акциядорлик келишувларини тузишга ҳақли.

79. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича акциядорнинг ўзи билан келишган ҳолда қатнашади ва овоз беради. Бунда кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш тартибини акциядорнинг ўзи билан келишиш акциядорнинг вакили томонидан уларга қулай ихтиёрий шаклда амалга оширилади. Акциядор ва унинг вакили ўртасидаги муносабат, шу жумладан акциядорлар йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш тартибини келишиш, Банкнинг иштирокисиз ва қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.



## **XI. СОФ ФОЙДА ВА ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ҲАМДА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ**

80. Банк соф фойдани тақсимлаш масалаларида тўлиқ мустақилдир. Банкнинг соф фойдаси (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг) Банк ихтиёрида қолади ва акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан Банкнинг захира фондини шакллантиришга йўналтирилади, акциядорлар орасида дивиденд шаклида тақсимланади, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа мақсадларга ишлатилади.

81. Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қўйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

а) пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

б) ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ночорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;

в) Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс эттирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

г) Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

82. Банк қўйидаги ҳолларда фойдани тақсимлаш учун Марказий банкнинг розилигини олиши керак:

Ушбу уставнинг 81-банд биринчи хатбошисида кўрсатилган тўловларнинг умумий суммаси банкнинг ўз капиталининг ўн фоизидан ортганда;

жорий ёки ўтган чорақда ва (ёки) молия йилида зарар мавжуд бўлганда.

83. Банкнинг зарарлари захира фонди маблағлари, акциядорларнинг мақсадли бадаллари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши мумкин.

84. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

85. Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

86. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Банк Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши оддий ва/ёки имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

87. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

88. Дивидендлар шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаган муддатда тўланади.

89. Имтиёзли акция бўйича йиллик дивиденд миқдори унинг номинал қийматининг 45 фоизини ташкил этади.

## **XII. БАНКНИНГ ФОНДЛАРИ**

90. Банк устав капиталининг ўн беш фоизи миқдорида захира фонди ташкил этилади.

91. Банкнинг захира фонди мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

92. Банкнинг захира фонди фақат қонунчиликда рухсат этилган мақсадларга ишлатилади.

93. Агар захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ўтказиш тикланади.

94. Банк қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа фондларни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

## **XIII. БАНК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ, УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ**

95. Қуйидагилар Банкнинг бошқарув органлари:

акциядорларнинг умумий йиғилиши;

Банк Кузатув кенгаши;

Банк Бошқаруви.

96. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг юқори бошқарув органидир.

97. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, Банк уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ва Банкнинг эълон қилинган акциялар сонини камайитириш тўғрисидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

Банкни қайта ташкил этиш;

Банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Банк Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Банкнинг устав капиталини камайитириш;

ўз акцияларини олиш;



Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошқарув раисинини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Бунда Банк Кузатув кенгаши Банкнинг Бошқарув раиси билан тузилган шартномани мазкур уставнинг 137-бандига асосан муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳамда унинг ваколатлари муддатидан илгари ёхуд муддати тугаган ҳолда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Бошқарув раиси тайинлангунига (сайлангунига) қадар вазифасини вақтинча бажарувчи Бошқарув раиси тайинлаш (сайлаш) ҳуқуқига эга.

Банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

Банкнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Банк Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

Банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни энг юқори миқдорларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Банк томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банкнинг кундалик хўжалик фаолиятига тегишли бўлган битимларни белгилаш;

Банк томонидан хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш учун ажратиладиган маблағларининг энг кўп миқдорини белгилаш;

мазкур уставга ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

98. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Банкнинг Бошқарувига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

99. Агар Банкнинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлса акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади, Банкнинг имтиёзли акциялари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ овоз бериш ҳуқуқини олиши ҳоллари бундан мустасно. Бунда акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

100. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Банк Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Банк Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.



101. Банк ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

102. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиш санаси, қонунчиликда белгиланган тартибда, Банк Кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Қоида тариқасида, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши, Банк Кузатув кенгаши томонидан йиғилиш ўтказишнинг бошқа санаси белгиланмаган тақдирда, 1 июнда ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Банк Кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги, Банк Бошқарув Раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек қонун ҳужжатлари ва мазкур уставга мувофиқ Банкнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

103. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

104. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Банкнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

105. Қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк Кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишни, акциядорлар Марказий банк томонидан белгиланган масалаларни, шу жумладан банк капиталини банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлай оладиган миқдоргача кўпайтириш масаласини кўриб чиқишни талаб қилишга ҳақли.

Банк Кузатув кенгаши томонидан ушбу банд биринчи хатбошисида кўрсатилган талаб бажарилмаган тақдирда Марказий банк акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришга ва кун тартибинини белгилашга ҳақли.

106. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорлар эътиборига:

акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;

акциядорлар умумий йиғилиш баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида муҳим факт тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш йуллари билан етказилади.

Агар Банк акциялари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса Банк фонд биржасининг расмий веб-сайтида тегишли ахборотни эълон қилиши шарт.

107. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) 1 апрелгача акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Банк Кузатув кенгашига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Бунда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш бўйича Кузатув кенгаш қарори уставнинг мазкур банди биринчи хатбошисида кўрсатилган санадан олдин қабул қилиниши мумкин эмас.

Акциядорлар (акциядор) Банк Кузатув кенгашига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар



эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

108. Банк Кузатув кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажаради ҳамда умуман Банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгардир.

109. Банк Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида Банк бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

Банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чорақда Банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида Банк Бошқарувининг ҳисоботини эшитиш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

банкнинг бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, унинг фаолиятини ташкил этиш, шунингдек Банк ички аудит хизматининг чораклик ҳисоботлари асосида Банк Бошқаруви томонидан Банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;

банк бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;

аудиторлик текширувини ўтказиш (йиллик мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

Банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;  
Банкнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;  
шўъба ва тобе хўжалик жамиятларни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Банк уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг уюшган савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

Акциядорлар умумий йиғилиши ва қонунчилик билан белгиланган миқдорда хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдами кўрсатиш (олиш) тартиби ва қарор қабул қилиш шартларини барча акциядорларга ошкор этган ҳолда белгилаш;

Банк Кузатув кенгашида тегишли йўналишлар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлар) ташкил этиш;

стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, Банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

Банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;

Банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга



ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;

йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

Банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш;

Бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш) ва мазкур уставнинг 137-бандига асосан уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш.

110. Банк Кузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

111. Банк Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

112. Банк Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Банк Кузатув кенгашининг сон таркиби 5 кишидан иборат. Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги Банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно.

113. Банк Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

114. Банк Бошқаруви раиси ва аъзолари Банкнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

115. Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Банкнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Қуйидаги ҳолларда шахс Кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас ёки сайланган шахс Кузатув кенгаши аъзолиги ҳуқуқидан маҳрум этилади, агар:

шахс икки ёки ундан ортиқ банкнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса.

116. Банк Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар мазкур уставда ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

117. Банк Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

118. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банк Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

119. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банк Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.
120. Банк Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу Кузатув кенгаш таркибидан унинг аъзолари томонидан сайланади.
121. Банк Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаш аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.
122. Банк Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаш мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.
123. Банк Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашнинг аъзоларидан бири амалга оширади.
124. Банк Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашнинг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Банк Кузатув кенгаши, Бошқарув аъзосининг ва ички аудит хизмати бошлиғи ҳамда Банк овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) талабига кўра чақирилади.
125. Банк Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чорақда камида бир марта чақирилади.
126. Банк Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Банк Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.
127. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Банк Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Банк Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Банк Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.
128. Банк Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар қонунчиликда ва мазкур уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса.
129. Банк Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.
130. Банк Бошқаруви Банкни бошқаришнинг ижро этувчи органи бўлиб, акциядорларининг умумий йиғилиши ва Банк Кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалардан ташқари Банк жорий фаолиятининг бошқарувини амалга оширади.
131. Банк Бошқаруви 7 (етти) кишидан иборат бўлиб уч йил муддатга сайланадилар (тайинланадилар).
132. Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки (ёхуд) Банк Кузатув кенгашининг қарорига кўра Банк Бошқарув раисини ва Бошқарув аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.
- Бошқарув аъзоси ҳисобланган акциядор ёки акциядор вакили Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш) бўйича овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас.



133. Банк Бошқаруви раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, мазкур уставда ҳамда уларнинг ҳар бири Банк билан тузадиган шартномада белгиланган.

134. Шартнома Банк номидан Банк Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаш ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

135. Банкнинг Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Банк фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

136. Банкнинг Бошқарув раиси ва аъзоларининг вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Банк Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

137. Банк Бошқарув аъзоси (шу жумладан Бошқарув Раиси) билан тузилган шартнома қуйидаги асосларга кўра Банк Кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари тугатилиши (бекор қилиниши) мумкин:

Банк Бошқарув аъзоси томонидан берилган аризага асосан;

Банк Бошқарув аъзоси Банк уставини қўпол тарзда бузган тақдирда;

Банк Бошқарув аъзоси ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туйғайли Банкга зарар етказилган бўлса;

Банк Бошқарув аъзоси билан тузилган шартнома шартларини бузган тақдирда.

138. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Банк Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Банк Бошқарув раисининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд Банк Бошқарув раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

139. Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Банк Кузатув кенгаши Банк Бошқарув раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек Банкнинг Бошқарув раиси тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

140. Банк Бошқарувининг ваколатига Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

141. Банк Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилишининг ва Банк Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

142. Банк Бошқарув раисининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятлари:

Банк номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, Банк номидан битимлар тузади ва ҳужжатларни имзолайди;

Банк филиалларини очилиши бўйича тайёргарлик ишларини ташкиллаштиради;

штатларни тасдиқлайди, Банкнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Банкнинг тузилмавий бўлинмалар раҳбарларини тайинлайди (қонун ҳужжатлари, устав ва/ёки ички ҳужжатларга мувофиқ Банк Кузатув кенгаши ёки

акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тайинланадиган ходимлар бундан мустасно);

Банкнинг тузилмавий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни (Банкнинг ички аудит хизмати ва ички назорат хизмати тўғрисидаги низомлар бундан мустасно), Банк ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

аниқ йўналиш бўйича Банк ходимлари ва тузилмавий бўлинмалари орасида мажбуриятларни тақсимлайди;

Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган барча ички ҳужжатларни имзолайди;

амалдаги қонунчиликга мувофиқ ва ўз ваколат доирасида Банкнинг мол-мулки ва пул маблағларини бошқаради;

Банк номидан ишончномалар беради;

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ ходимларни ишга қабул қилади ва озод этади, рағбатлантиради ва уларга нисбатан интизомий чораларини қўллайди;

Банк номидан филиаллар раҳбарлари билан меҳнат шартномаларини тузади;

Банк Кузатув кенгаши мажлисларига Банкнинг ривожлантириш стратегиясини ва уни амалга ошириш усулларига доир таклифларни киритади;

акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кузатув кенгашининг мажлисларига тайёргарлик кўришни ва уларни ўтказишни ҳамда улар томонидан қабул қилинган қарорларни бажарилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятлар.

143. Банк Бошқарувининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятлари:

Банкнинг жорий фаолиятини эффектив, оператив бошқаришни ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кузатув кенгаши қарорларини бажарилишини таъминлаш;

Банк ҳисоботини кўриб чиқиш, шу жумладан халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тайёрланган ҳисоботлар;

халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларни ошқора қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

Банкнинг даромадлигини ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида унинг жорий хўжалик сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Банк хизматларига истиқболда талабни ошишини, унинг фаолиятининг янги йўналишларини аниқлаш;

Банкда янги хизматларни жорий этиш тартибини аниқлаш ва улар бўйича тегишли ички норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

молия бозорида Банк ҳаракатларининг тактикасини ишлаб чиқиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

ташқи аудиторлик ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Банкда ўтказилаётган текширишлар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини кўриб чиқиш учун Банк Кузатув кенгашига киритиш, кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар режасини бажарилиши юзасидан ишларни ташкиллаштириш;



Банк аудиторлари томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда Банк аудиторлари томонидан ўтказилган текшириш якуни бўйича қилинган ишлар натижаларини кўриб чиқиш учун Банк Кузатув кенгашига киритиш;

Банк фаолиятининг истиқболли ва жорий бизнес-планларини ишлаб чиқиш;

Банк хизматлари бўйича нарх ва тарифларни тасдиқлаш;

Банкнинг жорий фаолиятини тартибга солувчи Банкнинг ички ҳужжатларини, йўриқномалар, қоидалар, тартиблар, Банк Бошқаруви ваколатига тааллуқли бўлган бошқа ички ҳужжатларни намунавий шаклини тасдиқлаш;

иш жараёнини ташкиллаштиришнинг асосий масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан меҳнат тартиби, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик, ижтимоий ривожлантириш, шунингдек Банк ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш;

эҳтимолли зарарларни қоплаш бўйича захиралар ҳисобига «умидсиз» активларни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилиш. Бунда Банк Бошқаруви уч кун муддатда Банк Кузатув кенгашини хабардор қилади;

Банк фаолиятини ташкиллаштириш бўйича назоратни амалга ошириш, шу жумладан:

а) молиявий операцияларини ва бошқа битимларни амалга оширишда ваколатларни тақсимлаш бўйича;

б) маълумотлар оқимларини (маълумотларни олиш ва бериш) бошқариш ва маълумотлар ҳимоясини таъминлаш бўйича;

банк хавф-хатарларини бошқариш жараёнидан қатнашиш ва банк хавф-хатарларини баҳолаш;

Банк Кузатув кенгашининг қарорларини бажаришда, Банк стратегиясини ва сиёсатларини амалга оширишда масъулиятни белгилаш;

Банк фаолияти самарадорлиги бўйича даврий баҳолаш натижаларни ва материалларни кўриб чиқиш;

Банкда маълумотларни узатиш ва алмашинуви бўйича ва ушбу маълумотларни манфаатдор шахсларга етказиб берувчи самарали тизимни яратиш. Маълумотларни узатиш ва алмашинуви тизими Банк фаолияти тартиб-таомилини ва операцион сиёсатини аниқловчи барча ҳужжатларни ўз ичига олади;

банк хавф-хатарларини самарали бошқариш бўйича шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан:

а) банк хавф-хатарларини бошқариш бўйича асосий тамойилларга риоя қилиш мақсадида хавф-хатарларни бошқариш қоидаларини ва тартиб-тамомойилларини аниқловчи Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган ички ҳужжатларни қабул қилинишини таъминлаш;

б) турли хил даражадаги бўлинмалар раҳбарлари орасида банк хавф-хатарларини бошқариш бўйича ваколатларни ва мажбуриятларни тақсимлаш, уларни зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш, ҳисоботларни тақдим этиш ва ўзаро ҳамкорлиги тартибини ўрнатиш;

Банк депозит сертификатларини чиқариш бўйича қарор қабул қилиш, депозит сертификатларни чиқариш ва муомалада бўлиш шартларини тасдиқлаш, шунингдек уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Банкка тўғридан тўғри алоқаси бўлган бирор битим тузиш ёки бирор масалада ўта манфаатдорлик (бевосита, билвосита ёки учинчи шахслар номидан) мавжудлиги тўғрисида Банк Кузатув кенгашига хабар бериш;

Банкнинг обрў-эътибор хатарларини бошқариш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятлар.

144. Банк Кузатув кенгашининг ва Бошқарувининг аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимлари бенуқсон ишчанлик обрўсига, банк таваккалчиликларининг самарали бошқарилишини, ўз ваколатлари доирасида асосли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш учун зарур бўлган тажрибага, билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

145. Банк Банкнинг Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимлари банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига доимо мувофиқ бўлишини таъминлаши шарт.

146. Марказий банк Банк Кузатув кенгашининг ва Бошқарувнинг аъзолигига ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимлар лавозимларига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин келишиб олади. Агар муҳим аҳамиятга эга ходимларни объектив сабабларга кўра олдиндан келишиб олишнинг имкони бўлмаса, Банк кейинчалик розилик олиш учун сўровнома юбориши керак.

#### **XIV. БАНКНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

147. Банкда фақат Банк Кузатув кенгаши аъзоларидан таркиб топган Аудиторлик қўмитаси ва ички аудит хизмати ташкил этилган. Ички аудит хизмати ўз фаолиятида Аудиторлик қўмитасига ҳисобдордир.

148. Банкнинг ички аудит хизмати Банк Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Банк уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Банк Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини, устав капиталининг (фондининг) эллик фоизидан ортиғига банк эгаллик қиладиган юридик шахслар билан амалиётларни ички назоратини амалга оширади.

149. Банкнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари Банк ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

150. Банк йиллик молия ҳисоботини ҳар йилги текшириш ва тасдиқлаш учун аудиторлик ташкилотини жалб этади. Аудиторлик ташкилоти Банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

151. Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар банкнинг фаолиятни текшириш учун ташқи аудит ўтказишни ташаббуси билан чиқиши мумкин.



152. Аудиторлик ташкилоти Банк билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Банк молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

153. Аудиторлик ташкилоти Банкнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Банк олдида жавобгар бўлади.

154. Банкнинг беш фоиздан кам бўлмаган овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядор аффилиланган шахс билан тузилган қайси битим натижасида Банкга зарар етказилган бўлса ёхуд ушбу битим тузилганлиги оқибатида келгусида зарар етказилиши мумкин бўлса, ўша битимни тузишга доир талаблар бузилишининг мавжуд белгиларини ўрганиш учун мустақил равишда аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли. Суд томонидан битим тузишга доир талаблар бузилганлиги факти аниқланган тақдирда, Банк суднинг қарори қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан бир ой муддатда акциядорнинг аудиторлик ташкилотини жалб этишга доир харажатларининг ўрнини мазкур хизматларнинг бозор қийматидан кўп бўлмаган миқдорда қоплаши шарт.

155. Банк Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи корпоратив маслаҳатчиси лавозими Банкда жорий этилган.

156. Банк корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

## **XV. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ**

157. Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

158. Банкда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Банк Бошқарувининг зиммасида бўлади.

159. Банкнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Банк Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

160. Банкнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида тасдиқланади.

161. Банкнинг молиявий йили биринчи январ куни бошланади ва ўттиз биринчи декабрда тугайди.

162. Банк ўз молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни қонунчиликда ўрнатилган тартибда ва муддатларда ошкора қилади.

## **XVI. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

163. Банкни қайта ташкил этиш рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари ҳисобга олинган ҳолда, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартириш шаклида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан рухсатнома олган ҳолда амалга оширилади.

164. Банк Марказий банкнинг талабига кўра ҳам қайта ташкил этилиши мумкин.

165. Банк акциядорлари умумий йиғилишининг қарори Банкни қайта ташкил этиш учун рухсатнома олиш тўғрисидаги аризани Марказий банкка тақдим этишга асос бўлади.

166. Банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар - овоз берувчи акциялар эгаларининг тўртдан уч қисм овози берилган ҳолда қабул қилинади.

167. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин қайта ташкил этилаётган банк 30 кундан кеч бўлмаган муддатда билан ўз кредиторларини келгусидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиши шарт.

168. Янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан Банк қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бундан қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш мустасно.

169. Банк уставига банкнинг қайта ташкил этилиши муносабати билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар қонунчилик ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

170. Банк ихтиёрий ёки мажбурий равишда тугатилиши мумкин.

171. Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш учун:

банк акциядорлари умумий йиғилишининг банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори;

Марказий банк бошқарувининг банкни мажбурий тугатиш ҳақидаги қарори асос бўлади.

172. Банк ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган Банкнинг Кузатув кенгаши Банкни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

173. Банкни тугатиш комиссияси олдиндан Марказий банк билан келишилган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланади. Агар тугатиш комиссияси тайинланмаган бўлса, банкни тугатиш бўйича комиссия Марказий банк бошқарувининг қарори билан ташкил этилади.

174. Банкни мажбурий тугатиш чоғида тугатиш комиссияси Марказий банк томонидан тайинланади.

175. Тугатиш комиссияси тайинланган вақтдан бошлаб унга Банк ишларини бошқариш ваколатлари ўтади.

176. Тугатиш комиссияси аъзолари томонидан амалдаги қонунчилик бузилган ҳолларда, Марказий банк бошқа тугатиш комиссияси аъзоларини тайинлашни талаб қилишга ҳақли.

177. Тугатиш комиссияси кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни Банкнинг тугатилиши тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

178. Кредиторларнинг талаблар қўйиши учун белгиланган муддат тугаганидан кейин тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади, мазкур балансда тугатилаётган Банк мол-мулкнинг таркиби, кредиторлар томонидан тақдим этилган



талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

179. Банк тугатилаётганда унинг кредиторлари талаблари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда қондирилади.

180. Жисмоний шахс бўлган омонатчилар тугатишдан келиб тушган тушумлар ҳисобига ўз омонатларини олишда устуворликка эгадирлар, бундан Банкка алоқадор бўлган шахслар мустасно.

181. Тугатилаётган Банкнинг мулки бир навбатдаги барча талабларни тўлиқ қондириш учун етарли бўлмаса, мавжуд маблағлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ кредиторлар ўртасида тақсимланади.

182. Кредиторлар талаблари қондирилганидан сўнг қолган Банк мулки қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимлаш учун Банк акциядорларига берилади.

Банк тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тугатилиш қиймати уларнинг номинал қийматига тенг.

183. Тугатиш ишлари якунланганидан сўнг тугатиш комиссияси бажарилган ишлар тўғрисидаги якуний ҳисоботни ва тугатиш балансини тузади.

184. Банкни тугатиш Банкларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилган қундан эътиборан тамомланган деб ва банк тугатилган деб ҳисобланади.

## **XVII. АКЦИЯДОРЛАР (МУАССИСЛАР) ЎРТАСИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ**

185. Банкда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини ҳал қилиш учун Банкнинг бошқарув ва назорат органлари, Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари Банк манфаатларига жавоб берадиган қонуний ва асосланган қарорлар излашни амалга оширадилар.

186. Акциядорлар (таъсисчилар) ўртасида корпоратив низоларни ҳал қилиш учун:

Банкнинг ваколатли шахси ёки ваколатли органи акциядорлар ўртасидаги музокараларда иштирок қилиши, акциядорларга ўз ихтиёридаги ва низога тегишли ахборот ва ҳужжатларни тақдим қилиши, қонун ҳужжатлари меъёрларини, Банк устави ва ички ҳужжатларини тушунтириши мумкин;

Банкнинг ваколатли шахслари ёки ваколатли органлари акциядорларга маслаҳатлар ва тавсиялар берадилар, акциядорлар томонидан имзоланиши учун низони ҳал қилиш тўғрисида ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайдилар. Банк номидан ўз ваколатлари доирасида акциядорлар олдида низони ҳал қилишга ёрдам бериши мумкин бўлган даражада мажбуриятлар қабул қиладилар;

Банкнинг ваколатли органлари ўз ваколатларига мувофиқ корпоратив низони ҳал қилиш бўйича қарорлар реализация қилинишини ташкиллаштиришлари ва низо иштирокчиси томонидан Банк номидан имзоланган битимлар ижросига кўмаклашишлари керак. Низо томони ва Банк ўртасида уларнинг асосий мажбуриятлари бўйича келишмовчилик мавжуд бўлмаган, бироқ уларни бажариш тартиби, усули, муддатлари ва бошқа шартлар тўғрисида келишмовчилик юзага келган ҳолатларда, Банк низо иштирокчисига юзага келган келишмовчиликларни ҳал этишни таклиф қилиш ва Банк низо томони талабини қондиришга тайёр бўлган шартларни тавсифлаб бериши керак.

## XVIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

187. Ўз ваколати доирасида ва Банкга юклатилган вазифаларга мувофиқ Банк давлат ва банк сири ҳисобланадиган маълумотларни ҳимоя қилинишини таъминлайди.

188. Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва Банк акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом билан белгиланади.

189. Банк Кузатув кенгаши ва Бошқарувининг фаолият кўрсатиш тартиби амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган низомларда белгиланади.

190. Банк акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Кузатув кенгаши томонидан мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

191. Банк уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Банкнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

192. Агар мазкур уставни бирон бир қонунчилик ўз кучини йўқотган бўлса, бу қонунчиликда бошқа қонунчиликни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

193. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қонунчилик белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қонунчилик қўлланилади.

194. Мазкур уставда тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.

Бошқарув Раиси в.б.



У.А. Хакимов



Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки томонидан  
20 22 йил "21" декабрь  
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Рўйхат рақами 79/1 -сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Раисининг биринчи ўринбосари  
Н.Н. Саидуллаев



## “ASIA ALLIANCE BANK”

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ  
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ  
Кузатув кенгашининг  
2022 йил 09 ноябрдаги  
К-24-сонли  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН



Тошкент - 2022 йил

**“ASIA ALLIANCE BANK” акциядорлик тижорат банкининг  
Уставига киритилган 1-сонли ўзгартиришлар**

**1) Уставнинг 40-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“40. Банк устав капиталининг миқдори 380 268 578 500 (уч юз саксон миллиард икки юз олтмиш саккиз миллион беш юз етмиш саккиз минг беш юз) сўми ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 250 (икки юз эллик) сўм бўлган 1 521 074 314 (бир миллиард беш юз йигирма бир миллион етмиш тўрт минг уч юз ўн тўрт) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акцияларга бўлинган.”

**2) Уставнинг 41- банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“41. Банк томонидан 1 521 074 314 (бир миллиард беш юз йигирма бир миллион етмиш тўрт минг уч юз ўн тўрт) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акциялар жойлаштирилган.”

**3) Уставнинг 42- банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“42. Банк устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 250 сўм жами 206 507 844 500 (икки юз олти миллиард беш юз етти миллион саккиз юз қирқ тўрт минг беш юз) сўм бўлган эгасининг номи ёзилган 626 031 378 (олти юз йигирма олти миллион ўттиз бир минг уч юз етмиш саккиз) дона оддий ва 200 000 000 (Икки юз миллион) дона имтиёзли акциялардан иборат. ”

**Бошқарув Раиси в.б.**



**У.А. Хакимов**



Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки томонидан  
2023 йил «14» ноябрь  
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Рўйхат рақами 7912 -сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Раисининг биринчи ўринбосари  
Н.Н. Сайдуллаев



# “ASIA ALLIANCE BANK”

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ

УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ  
Акциядорлар умумий йиғилишининг  
2023 йил 21 сентябрдаги

АС-02/2023-сонли  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ  
Кузатув кенгашининг Раиси  
С.Х. Бекенов



Тошкент - 2023 йил



## **“ASIA ALLIANCE BANK” акциядорлик тижорат банкининг Уставига киритилган 2-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар**

### **1) Уставнинг 42-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“42. Банк устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 250 сўм жами 650 000 000 000 (олти юз эллик миллиард) сўм бўлган эгасининг номи ёзилган 2 400 000 000 (икки миллиард тўрт юз миллион) дона оддий ва 200 000 000 (икки юз миллион) дона имтиёзли акциялардан иборат.”

### **2) Уставнинг 109-банди қуйидаги таҳрирдаги қирқ бир - элликинчи хатбошлари билан тўлдирилсин:**

“акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида банк бошқаруви раиси билан тузилган шартномани акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатда узайтириш тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиш;

таваккалчиликларни бошқариш тизимининг самарали жорий этилишини таъминлашга ҳамда унинг устидан назоратни амалга ошириш;

ҳар бир сезиларли таваккалчилик бўйича таваккалчилик чегараларини ва мазкур чегаралар бузилган тақдирда кўрилиши зарур бўлган чораларни тасдиқлаш;

банкнинг таваккалчиликларни бошқариш ташкилий тузилмасини доимий тарзда баҳолаш ва унинг самарадорлигини таъминлаш;

банк томонидан қўлланилувчи таваккалчиликларни баҳолаш методологиясини йилда камида бир мартаба кўриб чиқиш;

банк маҳсулотлари ва хизматлари бўйича харажат ҳамда таваккалчиликларни инобатга олган ҳолда нарх сиёсатини тасдиқлаш;

таваккалчиликларни бошқаришга оид ҳисоботларнинг шакли, даврийлиги ва ҳажмини белгилаш, мазкур ҳисоботларни кўриб чиқиш, уларнинг аниқлиги ҳамда ҳаққонийлигини назорат қилиб бориш;

таваккалчиликларни бошқаришга ва ҳисоботларни тайёрлашга мўлжалланган ахборот тизимининг жорий этилишини ташкил этиш ҳамда бу борадаги ишларни назорат қилиш;

таваккалчиликларни бошқариш маданиятини шакллантириш ва унинг мақбул даражада бўлишини таъминлаш;

банк балансига қабул қилинган мол-мулкни (шу жумладан кредит қарзини тўлаш учун қабул қилинган мол-мулкни) унинг бозор қийматида сотишни ташкил этиш.”



**3) Уставнинг 132-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“Банк Бошқаруви раиси ва аъзоларини тайинлаш хорижий менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилиши мумкин.”.

**4) Уставнинг 143-банди қуйидаги таҳрирдаги ўттизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:**

“таваккалчиликларни бошқариш тизимининг самарали фаолият юритишини таъминлаш;”.

**5) Уставнинг 143-бандининг ўттизинчи хатбоши тегишли ўттиз биринчи хатбоши деб ҳисоблансин.**

**Бошқарув Раиси**



**С.А. Гимадиев**



Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки томонидан  
2023 йил «15» декабрь  
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Рўйхат рақами 49/3-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Раисининг биринчи ўринбосари  
И.Н. Саидуллаев



## “ASIA ALLIANCE BANK”

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ  
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ  
Акциядорлар умумий йиғилишининг  
2023 йил 8 ноябрдаги  
АС-03/2023-сонли  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ  
Кузатув кенгашининг Раиси  
О.С. Мустафаев



Тошкент - 2023 йил



**“ASIA ALLIANCE BANK” акциядорлик тижорат банкининг  
Уставига киритилган 3-сонли ўзгартиришлар**

**1) Уставнинг 40-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“40. Банк устав капиталининг миқдори 536 776 423 000 (беш юз ўттиз олти миллиард етти юз етмиш олти миллион тўрт юз йигирма уч минг) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 250 (икки юз эллик) сўм бўлган 2 147 105 692 (икки миллиард бир юз қирқ етти миллион бир юз беш минг олти юз тўқсон икки) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акцияларга бўлинган.”

**2) Уставнинг 41-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“41. Банк томонидан 2 147 105 692 (икки миллиард бир юз қирқ етти миллион бир юз беш минг олти юз тўқсон икки) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акциялар жойлаштирилган.”

**3) Уставнинг 42-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“42. Банк устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 250 сўм жами 493 492 155 500 (тўрт юз тўқсон уч миллиард тўрт юз тўқсон икки миллион бир юз эллик беш минг беш юз) сўм бўлган эгасининг номи ёзилган 1 773 968 622 (бир миллиард етти юз етмиш уч миллион тўққиз юз олтмиш саккиз минг олти юз йигирма икки) дона оддий ва 200 000 000 (Икки юз миллион) дона имтиёзли акциялардан иборат.”

**4) Уставнинг 131-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“131. Банк Бошқаруви 8 (саккиз) кишидан иборат бўлиб уч йил муддатга сайланадилар (тайинланадилар).”

**Бошқарув Раиси**



**С.А. Гимадиев**



Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки томонидан  
2025 йил « 4 » февраль  
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Рўйхат рақами 48/4 -сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Раисининг биринчи ўринбосари  
Н.Н. Сайдуллаев



# “ASIA ALLIANCE BANK”

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ  
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ  
Кузатув кенгашининг  
2024 йил 27 декабрдаги  
К-71/3-сонли  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ  
Кузатув кенгашининг Раиси  
О.С. Мустафаев



Тошкент - 2025 йил



**“ASIA ALLIANCE BANK” акциядорлик тижорат банкининг  
Уставига киритилган 4-сонли ўзгартиришлар**

**1) Уставнинг 40-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“40. Банк устав капиталининг миқдори 660 262 912 250 (олти юз олтмиш миллиард икки юз олтмиш икки миллион тўққиз юз ўн икки минг икки юз эллик) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 250 (икки юз эллик) сўм бўлган 2 641 051 649 (икки миллиард олти юз қирқ бир миллион эллик бир минг олти юз қирқ тўққиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акцияларга бўлинган.”.

**2) Уставнинг 41-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“41. Банк томонидан 2 641 051 649 (икки миллиард олти юз қирқ бир миллион эллик бир минг олти юз қирқ тўққиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акциялар жойлаштирилган.”.

**3) Уставнинг 42-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“42. Банк устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 250 сўм жами 370 005 666 250 (уч юз етмиш миллиард беш миллион олти юз олтмиш олти минг икки юз эллик) сўм бўлган эгасининг номи ёзилган 1 280 022 665 (бир миллиард икки юз саксон миллион йигирма икки минг олти юз олтмиш беш) дона оддий ва 200 000 000 (икки юз миллион) дона имтиёзли акциялардан иборат.”.

Бошқарув Раиси в.в.б.



А.Ш. Мансуров